

Ғийбатдан тийилишнинг фойдалари (3-қисм)



15:41 / 05.05.2018 2985

Бешинчи фойда: ҳаромдан сақланиш.

Ғийбатнинг ҳаромлиги оят ва ҳадислар иттифоқи билан собит бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўмин(нинг қони) мўминга ҳаром. Унинг гўштини ейиш, йўқлигида ғийбат қилиш ҳаром. Обрўсига тажовуз қилиш ҳаром. Юзига шапалоқ уриш ҳаром»**, деб марҳамат қилдилар.

Насиҳат. Ғийбатнинг ҳаромлиги ҳозирги одамларнинг назаридан махфий бўлиб қолди. Шунинг учун ғийбат қилаётган кишига «Сен ҳаром иш қиялсан» десангиз, сиздан хафа бўлади, бу гапингиз унга «Сен зинокорсан» деб туҳмат қилишдан ҳам оғирроқ ботади. У зино ҳаром бўлганидек, ғийбат ҳам ҳаром эканини англамайди. Ҳаромлик фақат зинонинг ўзи билан чегараланган эмас. Чунончи, унинг тафсилоти юқорида баён қилинди. Одамлар ҳамиша зинодан сақланадилар, зинодан паноҳ сўраб, Аллоҳга дуолар қиладилар. Лекин ундан-да оғирроқ гуноҳ бўлган ғийбатдан ҳеч тийилишмайди. Аллоҳ таоло барчамизни ҳидоятга бошласин, бадбахтликдан сақлаб, саодатга элтсин!

Олтинчи фойда: тил жароҳатидан сақланиш.

Насихат. Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир кишига (оддий) ўқ отганим унга тилим ўқини отганимдан яхшироқ, чунки тил ўқи нишонга беҳато тегади».

Еттинчи фойда: надоматдан сақланиш.

Тилни тиймай, одамларни ғийбат қиладиган киши охир-оқибат барибир надомат қилади, пушаймон бўлади. Лекин унинг бу надомати асло фойда бермайди, чунки тилдан чиққан ғийбатни қайтариб бўлмайди. Шунинг учун зоҳидлар охиратда надомат қилмай, шод бўлиш учун тилларини бекорчи гаплардан тийиб, зарурий ишлардан бошқа бирор нарсани гапирмас эдилар.

Ҳикоя. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳаж кунлари Сафо тоғи устида талбия айтиб, сўнг (ўзларига насихат қилиб): «Эй тил, яхши гап гапир, шунда ғанимат (баҳра ва фойда) топасан. Ёмон гапдан сукут қил, шунда пушаймон бўлмай туриб саломат бўласан», дер эдилар.

Ҳикоя. Ийсо алайҳиссалом бир чўчқага дуч келиб, унга: «(Биздан озор топмаган ҳолда) саломат ўтавер», дедилар. У зотдан: «Чўчқага ҳам шундай дейсизми?» деб сўрашди. Шунда Ийсо ибн Марям: «Мен тилимни ёмон гапга одатлантиришдан қўрқаман», дедилар.

Ҳадис. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким саломат бўлгиси келса, сукут қилишдан ажрамасин».**

Ҳикоят. Зикр қилинишича, Луқмони Ҳаким қора танли қул бўлган экан. У кишидан содир бўлган биринчи ҳикмат шу эдики, бир куни хожаси: «Эй ғулом, бизга бу қўйни сўйиб, энг мазали икки жойини келтиргин», деди. У киши қўйнинг юраги билан тилини олиб келди. Яна бир куни хожаси у кишига: «Бу қўйни сўйиб, энг ёмон икки жойини келтиргин», деди. У киши қўйни сўйиб, яна юраги билан тилини келтирди. Бунинг сабабини сўраган хожасига Луқмони Ҳаким шундай деди: «Агар тил ва дил яхши бўлса, жасадда бу икковидан ширинроқ гўшт йўқ; агар ёмон бўлса, икковидан ёмонроғи ҳам йўқ».

Ҳадис. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Кимда-ким қорни, фаржи ҳамда тилининг ёмонлигидан сақланса, ёмонликнинг барчасидан сақланибди».**

Насиҳат. Ҳазрат Луқмон ўз фарзандига шундай деди: «Ёмон одамга суҳбатдош бўлган киши саломат бўлмайди, яъни унга суҳбатнинг таъсири уриб, у ҳам ёмон одамга айланиб қолади. Ким ёмон жойга борса, тухматга қолади. Тилини тиймаган киши эса надомат қилади».

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов